



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYOVILOYATI UZUN TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Uzun tumani, O‘zbekiston ko‘chasi 7-uy. 191100, tel.: (+99876)44-73-545, uzun.t@exat.uz

20 — yil “ 26 ” dekabr — son

Uzun sh.

**Туманидаги аҳоли пунктлари кўчалари  
ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль  
йўлларидан фойдаланиш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

“Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддаси ҳамда  
“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Туман йўл хавфсизлик, пудрат таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси  
ва туман ободонлаштириш бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган  
туманидаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль  
йўлларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ  
тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари А.Ишмурзоев, туман йўл  
хавфсизлик, пудрат таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси А.Худойкулов,  
туман ободонлаштириш бошқармаси Б.Тўраев фуқароларнинг ўзини ўзи  
бошқариш органлари билан ҳамкорликда туман худудидаги йўллارни  
сақлаш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини ташкил этиб  
борсинлар.

3. Мазкур қарор “Боботоғ тонги” газетасида расман эълон қилинсин  
ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман  
эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг  
ўринбосари А.Ишмурзоев, туман ободонлаштириш бошқармаси Б.Тўраев ва  
функционал вазифаларига кўра йўл соҳасига, тартиб ижросига масъул бўлган  
бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Б.Б.Турсунов